

Journal of Natural Science

*No1 (6)
2022*

<http://natscience.jspi.uz>



<u>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ</u>	<u>ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ</u>
<p>Бош муҳаррир – У.О.Худанов т.ф.н., доц.</p> <p>Бош муҳаррир ёрдамчиси-Д.К.Мурадова, PhD, доц.</p> <p>Масъул котиб- Д.К.Мурадова</p>	<ol style="list-style-type: none">1. Худанов У.О. – ЖДПИ Табиий фанлар факултети декани, т.ф.н., доц.2. Шилова О.А.-д.х.н., профессор Института химии силикатов им. И.В. Гребенщикова Российской академии наук (ИХС РАН)3. Маркевич М.И.-ф.ф.д. проф Белорусия ФА4. Elbert de Josselin de Jong- профессор, Niderlandiya5. Кодиров Т- ТТЕСИ к.ф.д, профессор6. Абдурахмонов Э – СамДУ к.ф.д., профессор7. Сманова З.А,-ЎзМУ к.ф.д., профессор8. Султонов М-ЖДПИ к.ф.д,доц9. Яхшиева З- ЖДПИ к.ф.д, проф.в.б.10. Рахмонкулов У- ЖДПИ б.ф.д., проф.11. Мавлонов Х- ЖДПИ б.ф.д., проф12. Муродов К-СамДУ к.ф.н., доц.13. Абдурахмонов Ғ- ЎзМУ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц14. Хакимов К – ЖДПИ г.ф.н., доц.15. Азимова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология бўйича) (PhD), доц16. Юнусова Зебо – ЖДПИ к.ф.н., доц.17. Гудалов М- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (география фанлари бўйича) (PhD)18. Мухаммедов О- ЖДПИ г.ф.н., доц19. Хамраева Н- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (биология фанлари бўйича) (PhD)20. Рашидова К- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё бўйича) (PhD), доц21. Мурадова Д- ЖДПИ фалсафа фанлари доктори (кимё фанлари бўйича) (PhD), доц
<p>Муассис-Жиззах давлат педагогика институти</p>	
<p>Журнал 4 марта чиқарилади (ҳар чорақда)</p>	
<p>Журналда чоп этилган маълумотлар аниқлиги ва тўғрилиги учун муаллифлар масъул</p>	
<p>Журналдан кўчириб босилганда манбаа аниқ кўрсатилиши шарт</p>	

Жиззах давлат педагогика институти Табиий фанлар факултети

Табиий фанлар-Journal of Natural Science-электрон журнали

[/http://www.natscience.jspi.uz](http://www.natscience.jspi.uz)

**ЗОМИН МИЛЛИЙ ТАБИАТ БОҒИДА ТАРҚАЛГАН
HELICHRYSUM MARACANDICUM ЗАХИРАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ**

Абдуллаева Нилуфар Сағдуллаевна

Биология ва уни ўқитиш методикаси в.б.доц. б.ф.ф.д. (PhD)

Умурзакова Қумри Уразали қизи

ЖДПИ 1-курс магистранти

Аннотация. Ушбу мақолада Зомин миллий табиат боғи ҳудудида *Helichrysum maracandicum* табиий захиралари аниқланган ва ушбу турнинг муҳофаза чоралари келтирилган.

Аннотация. В данной статье определены природные ресурсы *Helichrysum maracandicum* в Зааминском национальном природном парке и описаны мероприятия по сохранению этого вида

Annotation. This article identifies the natural reserves of *Helichrysum maracandicum* in the Zaamin National Nature Park and describes the conservation measures of the species

Турларнинг табиий захираларини аниқлаш, мазкур турлар юзасидан келажакда аниқ хулосаларга келиш имконини беради. Бундан ташқари, фармсаноатда фойдаланиладиган ўсимликлар учун энг муҳим мезон ҳисобланади. Кейинги йилларда ривожланиб бораётган фармацевтика саноати хом ашёси учун турли доривор ўсимликларнинг ҳажмини аниқлашда, йиғишда, тарқалиш ва захиралари тўғрисидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Ҳозирда ушбу ишларни амалга оширишда, кейинчалик янада ривожлантиришда доривор ўсимликлар захираларини аниқлаш ва баҳолаш учун улар ўсадиган муҳитларда олиб борилиши лозим. Марказий Осиё республикаларида доривор ўсимликлар ўсадиган тоғли ҳудудлар асосий захира йиғиладиган ҳудудлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудлари ўсимлик дунёси хилма-хил бўлиб, жуда катта хом ашё захираларига бой ҳисобланади. Бироқ ўсимлик захиралари қайта тикланувчи бўлиши билан бир қаторда ундан режасиз фойдаланиш ўсимлик қопламнинг қайта тикланмайдиган ўзгаришига олиб келиши мумкин. Ўсимликлар хилма-хиллигини сақлаш бўйича олиб бориладиган режалаштириш ишларида ўрганилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати ва ўрганиш даражаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш талаб этилади.

Тадқиқот олиб борилаётган ҳудудларда доривор ўсимликларнинг эксплуатацион захиралари сезиларли миқдорда бўлиб, у доривор ўсимликларни йиғиш билан шуғулланадиган ташкилотларни қизиқтириш тайин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги бош бошқармасига қарашли «Шифобахш» ташкилоти ва Ўрмон хўжаликлари ҳисобланади. Бизнинг назаримизда, булар маҳаллий аҳоли томонидан ва тиббиётда кенг

фойдаланиладиган, фармакологик нуқтаи назардан анча батафсил ўрганилган истиқболли доривор ўсимликлар ҳисобланади. Ўсимликлар ресурслари кўпчилик бошқа объектлардан фарқ қилиб, жуда осон ўзгарадиган объект ҳисобланади. Бу ўзгаришлар қатор объектив сабабларга боғлиқ бўлиб, кўп ҳолларда алоҳида турларнинг хом ашё захираларини мўътадил рақамларда таҳлил қилиш имконини бермайди.

Ўсимликларга экологик, тупроқ, иқлим ҳамда бошқа омиллар таъсир этади. Алоҳида турларнинг хом ашё захиралари, айниқса, бир йиллик ўтларда уларнинг ўсиш жойлари, ёғин миқдори ва ҳарорат режимига боғлиқ. Ўсимлик қопламига энг катта босим антропоген омил томонидан бўлиб, бу лалмикор ва суғорма деҳқончилик, қурилишлар, коммуникациялар, чорва моллари сонининг ортиши ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикада экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик вазиятни яхшилаш, флора ва фаунани асраб авайлаш, шунингдек, уларни ўрганиш ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш муаммоларини ҳал этишга янги ёндашувларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан йил сайин ўсимликларни йиғиб олиш квота миқдорини камайтирсада, лекин, улар бўлган талабномалардаги рақамлар йил сайин ортиб бораётгани ташвишли ҳолат ҳисобланади. Биргина 2018 йилнинг ўзида *H.maracandicum* га 11 тонна квота ажратилган. Юқорида таъкидланганидек, йил сайин ўлмасўт ўсадиган майдонлар қисқариб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон Қарори «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида» ги Низомида келтириб ўтилган доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларининг ёввойи турларини ва ёввойи ўсимликлар техник хом-ашёсини ғамлашга квоталар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишган ҳолда Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланади. Унга кўра доривор ва озиқ-овқатбоп ўсимликларининг ёввойи турларини ғамлашга квоталар табиатдан фойдаланувчилар томонидан жорий йилнинг 1 декабридан 30 декабрига қадар бўлган даврда берган буюртманомалари асосида шакллантирилиб, табиатдан фойдаланувчиларнинг буюртманомаларига асосан 1 апрелдан 30 майга қадар ушбу ўсимлик турлари захираларининг мавжудлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ижобий хулосасига асосан уларни ғамлаш (тўплаш) учун қўшимча квоталар ажратилиши мумкин. Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га киритилганлари учун рухсатномалар жорий йил учун белгиланган квоталар доирасида берилади. Ушбу талаблар йўқ

бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (CITES)нинг I, II ва III иловаларига кирувчи ўсимликлар намуналарини олиб кириш ва олиб чиқиб кетишга рухсатномаларга тадбиқ этилмайди. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан ҳар йилги ажратиладиган квота миқдорига қарайдиган бўлсак охириги 5 йил давомида *H.maracandicum* учун талаб кундан кунга ошиб бормоқда (жадвал).

H. maracandicum нинг йиллик квотаси

Ҳосилдо р-лик қисми	2015		2016		2017		2018		2019	
	Сўралган миқдор (т)	Ажратилга миқдор (т)	Сўралган миқдор (т)	Ажратилга миқдор (т)	Сўралган миқдор (т)	Ажратилга миқдор (т)	Сўралган миқдор (т)	Ажратилга миқдор (т)	Сўралган миқдор (т)	Ажратилган миқдор (т)
Тўпгули	0.925	0.925	10.050	10.050	2.250	2.250	11.000	11.0 00	8.890	0.195

Лекин тадқиқотларимиз натижасида ҳозирги кунда *H.maracandicum* нинг йиллар давомида табиий захиралари камайиб кетмоқда. Ўсимликнинг табиий захиралари камайиб кетиши кўпгина муаммоларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда, яъни ўсимлик популяцияларини йўқолиб кетиши, квота асосида белгиланган хом ашё миқдорига бўлган талабни бажармаслик ва шу билан боғлиқ кўпгина муаммоларни келтириб чиқаради.

H.maracandicum сўнги йилларда хом ашё йиллик йиғиб олиш бўйича ажратилган квота миқдори 2016-2018 йилларда энг юқори кўрсаткичларни ташкил қилган. Бу кўрсаткич 2019 йилга келиб ўсимликнинг табиий захиралари кескин камайиб кетиши оқбатида 0,195 тоннани ташкил этади.

Зомин миллий табиат боғида тарқалган Самарқанд ўлмасўти-*Helichrysum maracandicum* нинг табиий захиралари

Зомин миллий боғи Олмалисой атрофида кузатув ишлари олиб борилди. Мазкур ҳудудда турнинг умумий майдон 7.6 га ни ташкил этган ҳолда, хом ашё берувчи туплари 41,02% ни ташкил этади. Бундан биологик захираси 0.629 ± 0.19 тонна, эксплуатацион захираси 0.094 ± 0.009 тонна, йиллик йиғиш имконияти 0.014 ± 0.003 тонна эканлиги аниқланди.

Жиззах вилояти, Зомин тумани, Зомин миллий боғининг Ўрикисойнинг юқори қисмидан ажратилди. Ҳудудда тур тарқалган умумий майдон 3 га ни ташкил этган ҳолда, хом ашё берувчи туплари 23,4% дан ошмайди. Биологик захираси 0.145 ± 0.04 тонна, эксплуатацион захираси 0.022 ± 0.0019 тоннани, ўртача йиллик йиғиш имконияти 0.0033 ± 0.0002 тонна эканлиги аниқланди.

Ҳозирда доривор ўсимликларни табиий захираларини камайишига асосий омиллардан антропоген омиллари ҳисобланиб, бунда инсонлар тамонидан доривор ўсимликларнинг назоратсиз ва йиғиш қоидаларига риоя қилмаган ҳолда (уруғларини пишиб етилишига йўл қўймаслик, ҳосилдор тупларни маълум фоизаларини қолдирмаслик, йиғиб олишида ўсимликни илдизи билан биргаликда териб олиниши ва бошқалар) йиғиб олиниши, ўсимликлар тарқалган майдонларни ўзлаштирилиши, чорва молларини боқилиши ва кейинги вақтларда иқлимни кескин ўзгариши сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки ўсимликга бўлган талаб юқорилиги лекин ҳозирда табиий захираси камайиб кетганлигини инобатга олган ҳолда йиллик йиғиб олиш учун рухсат бермаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдуллаева Н.С., Хожиматов О.К., Қаршибоева Н.Х., Янгибаева З. Губоцветные (LAMIACEAE) Зааминского Национального Природного Парка. Бюллетень Брянского отделения Русского ботанического общества №2 (10) 2017 г. –С. 4-8.
2. Абдуллаева Н.С., Хожиматов О.К., Қаршибоева Н.Х., Янгибаева З. Губоцветные (LAMIACEAE) Зааминского Национального Природного Парка. Бюллетень Брянского отделения Русского ботанического общества №2 (10) 2017 г. –С. 4-8.
3. Абдуллаева Н.С. Ўзбекистонда тарқалган *Dracosephalum* L. туркуми турларининг географияси, экологияси ва аҳамияти: дис... биол. (PhD) – Гулистон, 2020. 40–45 б.
4. Мурдахаев Ю. М. Ўзбекистонда ватан топган доривор ўсимликлар. – Тошкент: Фан, 1992.
5. Рахимова Т.Т. Ўсимликлар экологияси ва фитоценологияси методик кулланма. – Тошкент, 2009. – Б.11-14.
6. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». 2-томда. – Тошкент: Chinor ENK, 2009. Т.1. С– 262-264.
7. Ҳайдаров Қ.Х., Хожиматов Қ. Ҳ. Ўзбекистон ўсимликлари. Тошкент. Ўқитувчи. 1992. 212 бет.
8. Хужанов.А.Н. *Helichrysum taracandicum* M.Pop ex Kirp. resurslari. Узбекский биологический журнал. Махсус сон. – Тошкент: Фан, 2008. №.6. – С. 20-22.